

**«O`ZPARTAMPONAJ» АЖ**  
**Акциядорларининг 2020 йил « 30 » сентябрдаги**  
**умумий йигилиш қарори билан**  
**«ТАСДИКЛАНГАН»**  
**М.Ў.**

**«O`ZPARTAMPONAJ»  
акциядорлик жамиятининг  
«ТАФТИШЧИ ТЎҒРИСИДА»ги**

**НИЗОМИ**  
(ЯНГИ ТАХРИРДА)

**Коровулбозор тумани - 2020 йил**

**«Ўзпартампонаж» акциядорлик  
жамияти тафтишчи  
Н И З О М И**

**1. Умумий булим.**

1.1. Мазкур Низом Узбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунига ва «Ўзпартампонаж» акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

1.2. Низом «Ўзпартампонаж» акциядорлик жамияти тафтишчисининг функциялари, таркиби, ваколатини, унинг акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари билан бўладиган ишларини мувофиқлаштириш, Тафтишчини сайлаш тартибини белгилайди.

**2. Тафтишчининг қонуний масъулияти.**

2.1. Тафтишчи акциядорлик жамиятининг органи ҳисобланиб, акциядорлик жамиятининг молия хўжалик ва хуқуқий назорат вазифаларини бажарувчи ички органи ҳисобланади.

2.2. Тафтишчи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат бошқарув органларининг қонуний хужжатлари, жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинадиган ва Тафтишчи фаолиятига доир хужжатлари асосида амалга оширади.

**3. Тафтишчининг таркиби.**

3.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга Тафтишчи (тафтиш комиссияси) сайланади. Жамият Тафтишчиси сон таркиби 1 кишидан иборат.

3.2. Жамият тафтишчисига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг Тафтишчиликка (тафтиш комиссияси таркибига) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.3 Жамият Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.4. Жамият Тафтишчисига тафтишчиликдаги фаолияти учун ҳар чорақда Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгилаб қўйилган базовий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаригача миқдорда ҳақ (рағбатлантириш) ва (ёки) компенсация тўланиши мумкин.

**4. Тафтишчиниг вазифалари.**

4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Жамият Тафтишчисининг ёзма талабига кўра жамият якка тартибдаги ижроия органи-директори (кейинги ўринларда – директор) жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Тафтишчига тақдим этиши шарт.

Ўз вазифаларини бажариш чоғида Тафтишчи қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

- акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномалар, амалга оширилаётган битишувлар, контролентлар билан бўладиган ҳисоб- китобларнинг қонунийлигини текшириш;

- муҳосиблик ва статистик ҳисботнинг мавжуд норматив хужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- акциядорлик жамиятининг молиявий хужжатларини текшириш мол-мулкни инвентаризация бўйича Тафтишчининг хulosаси кўрсатилган хужжатларни муҳосиблик ҳисботининг дастлабки хужжатлари билан таккослаш;

- хўжалик-молия ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган меъёрий хужжатлар, коидалар ва бошқаларга риоя қилинишини текшириш;

- акциядорлик жамияти молиявий холатини, унинг тўлов қобилиятининг, активларининг ликвидлиги, хусусий ва заём маблағларини нисбатини таҳлил қилиш, корхона

иқтисодий ҳолатини яхшилаш резервларини аниқлаш ва акциядорлик жамиятининг бошқарув органларига тавсияномалар ишлаб чиқариш;

- махсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан бюджетга тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши, дивидентларни ҳисоблаш ва тўланиши бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;

- акциядорлик жамиятининг балансини тайёрланиши, солик инспекцияси, статистика органларининг ва давлат бошқарув органлари учун ҳисбот ҳужжатларини тўғрилигини текшириш;

- акциядорлик жамияти директори қабул қилинган қарорларни, акциядорлик жамияти “Якка тартибдаги ижроия органи-директори” тўғрисидаги Низом ёки акциядорларнинг умумий йигилиши қабул қилинган қарорлар мослигини текшириш;

- Акциядорлар умумий йигилиши қарорларини тахлил қилиш, қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мос келмаган ҳолларда қарорларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

## **5. Тафтишчининг хуқуқ ва ваколатлари.**

5.1. Тафтишчи ўз функционал вазифаларини амалга ошириш борасида қуйидаги хукуқларга эга:

- Акциядорлик жамияти бошқарув органлари, бўлимлари амалдор шахслардан, Тафтишчининг иши учун зарур ва унинг функционал вазифалари ва мажбуриятларга мувофиқ бўлган барча материалларни олиш, кўрсатилган ҳужжат ва материаллар ва ёзма сўровдан кейин 3 кун ичida Тафтишчига тақдим этилади;

- Акциядорлик жамиятининг директори қарорлари, Кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилишини ваколатли шахслардан талаб қилиш, агар хўжалик ишлаб чиқариш, молиявий хўжалик фаолиятда қонунбузарликлар ёки акциядорлик жамияти манфаатларига зид амалиёт аниқланса ва ушбу масалаларни ҳал қилиш акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ваколатига кирса;

- Хўжалик ишлаб чиқариш, молия, хуқуқ фаолиятида қонунбузарлик фактлари аниқланса ёки акциядорлик жамияти манфаатларига хавф пайдо бўлганда акциядорларнинг умумий йигилишини (бир овоздан) чиқариш;

- Тафтишчининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича акциядорлик жамиятининг хоҳлаган аъзосидан, шу жумладан мансабдор шахслардан тушунтиришлар талаб қилиш;

- Акциядорлик жамияти штат лавозимларда турмаган мутахассисларни тафтишчилик (тафтиш комиссияси) ишига шартнома асосида жалб қилиш;

5.2. Жамиятнинг Тафтишчиси жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича ҳисбот ва хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисбини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

5.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича тафтишчининг ҳисбот ва хулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эшитилади.

5.4. Тафтишчи жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

## **6. Тафтишчининг масъулияtlари.**

6.1. Текширувлар ўтказиш чоғида Тафтишчи, текширувга тааллукли бўлган барча ҳужжат ва материалларни синчиклаб ўрганиши шарт. Нотўғри хулосалар учун Тафтишчининг масъулияти, акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан белгиланади.

6.2. Агар ўзига берилган ваколат муддати тугамасдан туриб, Тафтишчи ўз фаолиятини тўхтатадиган бўлса, бу ҳақда бир ой олдин Кузатув кенгаши маълум қилиши шарт. Бу ҳолда

акциядорларнинг умумий йиғилишини ўзининг яқин орадаги мажлисида Тафтишчини алмаштиради.

#### 6.3. Тафтишчи:

- амалга оширилган текширувлар ҳақидаги маълумотларни ёзма ҳисобот шаклида акциядорлик жамияти директорига, акциядорларнинг умумий мажлиси ва Кузатув кенгашига етказиб туриши шарт;
- ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида, хизмат вазифаси юзасидан олиши мумкин бўлган, тижорат сирини ташкил этадиган маълумотларни тарқатмаслиги шарт;
- акциядорлик жамияти манфаатларини муайян хавф туғилган вақтда ёки мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавкеини сустеъмол қилганликлари фактлари аниқланганда акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини талаб қилишлари шарт.

6.4. Тафтишчи муҳосиблик ҳисоби ва молия ҳисоботини бажариш тартибини ва қоидаларига риоя қилган холда, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши чакирилишидан 10 кун олдин, йиллик ҳисоботлар ва баланс тўғрисида ўз хulosасини беради. Ушбу хulosасиз умумий мажлис жамият бухгалтерия балансини тасдиқлашга ҳаққи йўқ.

### 7. Тафтишчининг ишлари.

7.1. Тафтишчи барча масалаларни ўзи ҳал қиласи. Тафтишчи тасдиқланган режа асосида шунингдек текширувлар олдидан ва текширувлар якуни бўйича тафтиш ўтказади.

#### 7.2. Тафтишчи кундалак ишини ташкил қиласи;

- Тафтишчи номидан Кузатув кенгashi, акциядорлар умумий йиғилишларида иштирок этиши мумкин;
- Тафтишчининг акт ва хulosаларини жойларга етказади;
- Тафтишчи ўз номидан чикаётган хужжатларни ўзи имзолайди.